



2020 yil « 15 » июль

№ 495-к

Jomboy sh

«JOMBOY FRUITS» ишлаб чиқариш кооперативига
кишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ижарага ер
майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6 ва 49-моддаси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига асосланиб Жомбой тумани Наймантепа маҳалласи Наймантепа кўчаси 223-уйда жойлашган «JOMBOY FRUITS» ишлаб чиқариш кооперативининг (Наманган тажрибаси усулида 2 сотихли майда маҳаллий шароитдаги кичик иссиқхоналар ташкил этиб аҳолининг кам таминланган оилаларига кооперация усулида сабзавот етиштириш учун ер ажратиш тўғрисида»ги 2020 йил 10 июлдаги №1 рақамли хатини туман ҳокимлиги ер участкаларни бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи доимий комиссиянинг ҳулосасини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН :

1. Жомбой тумани Наймантепа маҳалласи Наймантепа кўчаси 223-уйда жойлашган «JOMBOY FRUITS» ишлаб чиқариш кооперативининг 2 сотихлик 55 та кичик маҳаллий шароитдаги иссиқхона ва очик усулда сабзавот етиштириш учун ер майдони ажратиш тўғрисидаги хати қаноатлантирилсин ва туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи доимий комиссиянинг ҳулосаси тасдиқлансин.

2. «JOMBOY FRUITS» ишлаб чиқариш кооперативига Жомбой тумани Ҳақиқат массивининг 501-контуридаги 2,0 (икки) гектар сувли экин ер майдони (2 сотихли маҳаллий енгил конструкцияли иссиқхона усулида) сабзавотчилик ихтисослиги бўйича ердан фойдаланиш учун 40 йил муддатга ижарага ажратилсин.

2. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ж.Каримов)га «JOMBOY FRUITS» ишлаб чиқариш кооперативи билан ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини белгиланган тартибда расмийлаштириш ва ажратилган ер майдонидан белгиланган мақсадда фойдаланишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

3. «JOMBOY FRUITS» ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари Ш.Ахмадхоновга туман ҳокимлиги ва фермер хўжалиги ўртасидаги ер ижара шартномасини расмийлаштириш бўйича туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига 3 кун муддат ичида мурожаат қилиш ва рўйхатдан ўтказиш вазифаси топширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36-моддаси 6-бандига асосан белгилангандан бошқа мақсадларда фойдаланилганда (ноқонуний, руҳсатсиз қурилишлар қурилганда, доимий пойдеворли девор ва бино қурилганда), 10-бандига асосан кишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ер участкасидан бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ер участкасига бўлган ҳуқуқ бекор бўлиши юзасидан «Ер кодекси»нинг 38-моддасига асосан «JOMBOY FRUITS» ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари Ш.Ахмадхонов оғохлантирилган деб ҳисоблансин.

5. «JOMBOY FRUITS» ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари Ш.Ахмадхонов зиммасига:

- Ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини шартлари билан боғлиқ қонунчилик талабларига қатъий амал қилиш;

- Белгиланган тартибда ва муддатларда тегишли ташкилотларга ҳисоботларни тақдим этиб бериш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ф.Мажидов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Қ.Собиров